

## Озорларга сабр қилиш ҳам ҳусни хулқдир



08:40 / 08.01.2019 3707

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшингиз ҳусни хулқлигингиздир», дедилар».**

*Термизий, Муслим ва Бухорий ривоят қилишган.*

*Бухорийнинг лафзида:*

**«Албатта, сизнинг энг яхшингиз ҳусни хулқлигингиздир», дейилган.**

Ўзига етган озорларга сабр қилиш ҳам ҳусни хулқдандир.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳадис айтдилар ва сўнгра ўринларидан турдилар. Биз ҳам турдик. Шу пайт у зотга яқинлашиб келган аъробийга кўзимиз тушди. Аъробий у зотнинг ридоларидан ушлаб тортган эди, у зотнинг бўйинлари қизариб кетди. Ридо дағал эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бурилиб қарадилар. Аъробий у зотга:**

**«Менинг мана бу икки туямга юк юклаб бер! Менга ўз молингдан ёки отангнинг молдан юклаб бермайсан-ку!» деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Йўқ, астағфируллоҳ! Йўқ, астағфируллоҳ! Йўқ, астағфируллоҳ! Шу тортганинг учун менинг ўчимни бермагунингча сенга юклаб бермайман», дедилар.**

**Ҳар шундай деганларида аъробий у зотга: «Аллоҳга қасамки, сенга ўч олдирмайман!» дер эди.**

**Аъробийнинг гапини эшитиб, у томон тезлаб бордик. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга бурилиб қарадилар ва:**

**«Таъкидли амр қиламанки, менинг каломимни эшитган ҳар бир киши мен унга изн бермагунимча ўрнидан қимирламасин! - дедилар. Сўнгра бир одамни чақириб, унга: - Унинг мана бу икки туясига юк юклаб бер. Бир туяга арпа, бошқасига хурмо, - дедилар. Кейин бизга бурилиб қараб: - Аллоҳнинг баракоти ила қайтинглар», дедилар».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Ким ўзида юқорида зикр қилинган сифатларни топмаса, уларни топишга жиддийлик ила ҳаракат қилмоғи лозим бўлади.

**«Руҳий тарбия» китобидан**